



141100, Нуробод шаҳри, Мустақиллик кўчаси 2-уй,
Тел: 633-16-34, Факс: 231-98-81, nurobod@samarkand.uz

141100, г. Нурабад, ул. Мустақиллик, д.2
Тел: 633-16-34, Факс: 231-98-81, nurobod@samarkand.uz

2016 йил «18» январь

№ 22-ч

Нуробод тумани Нурбулоқ кишлоқ
фуқаролар йиғини Нурбулоқ
массивида 3,5 км сув тармоғи қуриш
учун ер майдони танлаш ва ажратиш
тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги “Кишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1167-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Нуробод тумани Нурбулоқ кишлоқ фуқаролар йиғини Нурбулоқ массивида 2016 йилда қурилиши лозим бўлган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида ва тумани ер танлаш комиссиясининг 2016 йил 15 январьдаги қарорини қўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги Нурбулоқ кишлоқ фуқаролар йиғини Нурбулоқ массивида 3,5 км сув тармоғи қурилиши учун 0,20 га ер майдони танлаш бўйича тумани ер танлаш комиссиясининг 2016 йил 15 январьдаги қарорини тасдиқлансин.
2. Тумандаги Нурбулоқ кишлоқ фуқаролар йиғини Нурбулоқ массивида 3,5 км сув тармоғи қурилиши учун 0,20 га ер майдони вақтинча ажратиб берилсин.
3. Тумани “Сувоқова” ишлаб чиқариш шўба корхонаси (А.Ахмедов)га барча тегишли ҳужжатларни тўплаб, вилоят ҳокимлиги инженеринг компаниясига топшириш вазифаси юклатилсин.
4. Тумани бош архитектори (Ж.Абдуллаев) ва тумани ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (А.Тошбоев)ларга, тайёрланган лойиҳа ҳужжатлари асосида қурилиш ишларини бошлаш учун мазкур ажратилган ер майдонини жойнинг ўзида (натурада) кўрсатиб ўлчаб бериш ва тегишли қарорнома асосида пудратчига топшириш юклатилсин.

Тумани ҳокими в.б



Б.Эргашов